БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 58

28 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Колхозчилар! Барча колхозларни илғорлар даражасига кўтаришга эришингиз! Меҳнат интизомини мустаҳкамлангиз, меҳнатни ташкил қилишни яхшилангиз, прогрессив иш нормаларини қишлоқ хўжалик ишларида астойдил жорий қилингиз, колхозларнинг еридан тўғри фойдаланингиз! Фан ютуқларини ва илғор тажрибани колхоз ишлабчиқаришида кенг жорий қилингиз! Колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлашни, колхозларнинг даромадлари ортишини ва колхозчиларнинг фаровонлиги кўтарилишини та'минлайлик!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ БИЛИМЛАР ПРОПАГАНДАСИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик жамият қуришдек улуғвор вазифани шараф блан амалга оширмоқда. КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март Пленумларининг қарорлари, партия ва ҳукуматимизнинг кейинги вақтларда қабул қилган бирқанча қарорлари совет халқига коммунизм қуришнинг равшан перспективаларини кўрсатиб бермоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш, халқ моддий фаровонлигини янада оширишга қаратилган бу муҳим қарорларини амалга оширишда сиёсий ва илмий билимларни кенг пропаганда қилиш, меҳнаткашлар оммасига партия ва ҳукуматимиз қарорларини тушунтириб бериш, ҳартурли темаларда ўтказилаётган лекцияларни ҳозирги куннинг, коммунистик қурилишнинг талаблари блан маҳкам боглаб олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитети сиёсий ва илмий билимлар тарқатучи Бутуниттифоқ жамиятининг II с'ездига юборган табригида «...Бутуниттифоқ жамиятининг ҳамма ташкилотлари олдида, бутун совет интеллигенцияси олдида илмий-оқартув ишини коммунистик қурилиш тажрибаси блан янада маҳкамроқ боглаб олиб бориш дан, бутун куч ва билимларни қишлоқ хўжалигини янада кучли равишда юксалтиришда колхозчиларга, МТС ва совхоз ходимларига зарур ёрдам кўрсатишга сафарбар этишдан иборат оливаноб вазифа турибди» деб кўрсатган эди.

Лекция пропагандаси блан шуғулланучи ташкилотлар — жамият ва район лекторлар группаларидаги партиямиз Марказий Комитети кўрсатмалари асосида ўз ишларини қайтадан қуриб, бир мунча мувваффақиятларга эришдилар. Улар КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март Пленумлари қарорларини, шу қарорлар муносабати блан совет халқи олдида турган улуғвор вазифаларни кенг тушунтириб бермоқдалар.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамиятнинг область бўлими аҳоли ўртасида сиёсий ва илмий билимларни пропаганда қилиш ишларини анча яхшилади. Шунингдек, областнинг шаҳар, район лекторлар группалари ҳам лекция пропагандасини дуруст олиб бормоқдалар. Калинин район лекторлар группаси, Паркент район лекторлар группаси аҳоли ўртасида системали равишда ижтимоий-сиёсий ва илмий темаларда лекциялар ўтказишга катта э'тибор бермоқдалар. Калинин район лекторлар группаси составида 29 лектор бор, улар КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини, февраль-март Пленуми қарорини, СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954 — 1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини кенг пропаганда қилмоқдалар, колхозчиларни кўкламги дала ишлари қизиб кетган ҳозирги кунларда ижодий меҳнатга сафарбар этмоқдалар.

Аммо, лекция пропагандаси ишларида анчагина камчиликлар ҳам бор. Ба'зибир жойларда сиёсий ва илмий билимлар юзаки пропаганда қилинмоқда, лекциялар ҳозирги куннинг конкрет вазифалари блан маҳкам боглаб олиб борилмаётир, капитализмнинг кишилар онгидаги қарқитларига қарши, эскилик урф-одатларига қарши қаратилган темаларда жуда кам лекциялар уюштирилмоқда.

Оҳангарон район лекторлар группаси сўнгги вақтларда ўз ишини анча бўшаштириб юборди. Район лекторлар группаси составида 24 лектор бор. Лекин булар ҳеч ким иш олиб бормаётир. Райондаги кўпчилик колхозларда бирнеча ойлаб лекциялар уюштирилмайди. Лекторлар контрольсиздан фойдаланиб колхозларда жуда камдан-кам бўладилар. Район маданият бўлимининг мудири Ўрток Хўжаев аҳоли ўртасида лекция пропагандасини кучайтириш, лекторларнинг фаолиятини ошириб, уларнинг ишларига амалий ёрдам беришга ўтакетган бепарволик блан қарамоқда. Район партия комитети ва унинг пропаганда ва агитация бўлими ҳам колхозчилар ўртасида лекция пропагандасини яхши йўлга қўйиш, оммавий-агитация ишларининг савиясини юқори кўтариш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширмаётир. Районнинг кўкламги дала ишларини уюштиришда, чигит экиш ва уни биртекис ундириб олишда областьда мавсум бошидан бери орқада қолиб келаётганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам аҳоли ўртасида оммавий-агитация ва лекция пропагандаси ишларининг бўшаштириб юборилганлигидир.

Вазифа — лекция пропагандаси соҳасида йўл қўйиб келинаётган камчиликларни тезда тугатишдан, лекция пропагандаси блан шуғулланаётган ташкилотларнинг фаолиятини янада оширишдан иборат.

Лекция пропагандаси блан шуғулланучи ташкилотлар лекция йўли блан олиб борилаётган пропаганда ишларида ишчилар, колхозчилар ва интеллигенцияни мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантириш, меҳнат унумини ошириш, халқ иste'моли моллари мўл-кўллигини вужудга келтириш юзасидан конкрет вазифаларни ҳал этиш учун курашда зарур билимлар блан қуроллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйишлари керак.

Лекция пропагандаси ишларида илмий атеистик пропаганда биринчи даражали аҳамиятга эгадир, чунки илмий атеистик пропаганда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг таркибий қисмидир. Илмий атеистик пропаганда капитализмнинг кишилар онгидаги қарқитларига, эскилик урф-одатлари ва традицияларига қарши курашда муҳим воситадир. Капитализмнинг кишилар онгидаги қарқитлари жуда яшовчандир. Улар динга берилиш, диний таассуб ва традицияларни сақлаш, ўз манфаатини давлат манфаатидан юқори қўйиш, социалистик мулкни талон-торож қилиш, ҳотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш ва бошқа ҳилма-хил формаларда мавжуд бўлади. Капитализмнинг ана шу кишилар онгидаги қарқитларига қарши курашда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, илмий атеистик темаларда лекциялар уюштириш зарур.

Лекция пропагандаси ишларида табиат ва жамият ҳодисаларини материалистик асосда баён этиб бериш ва шу блан диний идеологиянинг социалистик идеологияга хилоф эканлигини тушунтириб бериш — илмий атеистик пропаганданинг энг муҳим вазифасидир.

КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март Пленумлари лекция пропагандаси ишларида қишлоқ хўжалик пропагандасини, қишлоқ хўжалик фани ютуқларини кенг пропаганда қилишни муҳим вазифа қилиб қўйди. Лекция пропагандаси блан шуғулланучи ташкилотлар бу вазифани бажариш учун қишлоқ хўжалиги масалаларига доир билимларни ёйишга кўпроқ э'тибор берабошладилар. Аммо шундай бўлса ҳам, ана шу жуда муҳим ишда ҳали қат'ий бурилиш ясалгани йўқ. Бизнинг олдимизда партия ва ҳукуматимизнинг социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган тадбирларини кенг тушунтириш учун олимларни, қишлоқ хўжалик мутахассисларини сафарбар қилишдек муҳим вазифа турибди.

Лекция пропагандасини олиб боришда қишлоқ хўжалик илғорларининг эришган мувваффақиятларини кенг пропаганда қилиш, фан блан практикани бирга қўшиб олиб бориш — қишлоқ хўжалиги юксалишининг муҳим шартларидан бири эканлигини тушунтириб бериш лозим. Илғор колхоз, МТС ва совхозларнинг, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиручи ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширучи мастерларнинг тажрибаларини умумлаштириш лекция пропагандасида муҳим ўрин тутиши керак.

Кенг меҳнаткашлар оммаси халқаро масалаларга жуда қизиқадилар. Шунинг учун лекция пропагандаси ишларини олиб борганда СССРнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашдаги етакчилик ролига бағишланган ва империализм лагеридаги қарама-қаршиликларнинг кескинлашиб бораётганлигини, мустамлака ва карам мамлакатларда миллий озодлик ҳаракатининг кучаётганлигини кўрсатадиган лекцияларни тез-тез уюштириб туриш керак. Лекцияларнинг сифатини яхшилашга, бу лекцияларнинг оммабоп бўлишига алоҳида э'тибор бериш зарур.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамиятнинг область бўлими, район лекторлар группалари ўз ишларини партия ва ҳукуматимиз томонидан совет халқи олдига қўйилган ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтаришлари, аҳоли талабларига тўла жавоб берадиган юқори савиядаги лекцияларни кўпроқ уюштиришлари лозим. Партия ташкилотлари лекция пропагандаси ишлари блан шуғулланучи ташкилотларнинг ишларига раҳбарликни янада кучайтиришлари, лекцияларнинг сифати ва савияси устидан контрольлик қилиб туришлари, лекцияларнинг актуал бўлишини та'минлашлари зарур.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлган лекция пропагандасини ҳартарафлама кучайтирайлик, лекцияларни коммунистик қурилиш практикаси блан маҳкам боглаб олиб борайлик!

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 27 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик усиш	Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик усиш
Қуйичирчиқ	100,0	—	Ховос	85,0	2,9
Калинин	100,0	—	Ўртачирчиқ	84,2	2,3
Верхне-волинск	100,0	3,4	Бўка	82,2	3,3
Оққўрғон	97,8	1,0	Мирзачўл	78,6	4,8
Гулистон	95,7	0,2	Юқоричирчиқ	74,3	2,2
Сирдар'ё	95,6	0,9	Пискент	69,6	4,3
Янгийўл	95,3	5,1	Оҳангарон	57,9	4,9
Бекобод	94,9	2,2	Паркент	56,6	5,6
Оржоникидзе	93,7	0,3			
Чиноз	93,1	—	Область бўйича:	88,0	3,2
Ўртасарой	92,1	4,4	Шу жумладан совхозлар бўйича:	92,8	1,9
Октябрь	91,8	8,5			

СССР Олий Советининг мажлислари

Миллатлар Советининг 1954 йил 26 апрельдаги мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

26 апрельда, эрталаб соат 10 да, Кремльда, Катта Кремль Саройида Миллатлар Советининг олтинчи мажлиси очилди.

Миллатлар Советининг мажлисида СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар давом этди.

Музокараларда депутат **Я. В. Пейве** (Латвия ССР, Баус округи) сўзга чиқди. Сўнгра раислик қилучи **В. Т. Лацис** СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Г. М. Маленковга** сўз беради.

Миллатлар Совети СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги доклад юзасидан музокараларни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади ва СССР Молия министри, депутат **А. Г. Зверевнинг** охирги сўзини, шуннингдек Миллатлар Совети бюджет комиссиясининг раиси **А. М. Сафроновнинг** охирги сўзини тинглайди.

Депутат **М. А. Ферининг** таклифи блан Миллатлар Совети бюджетни тасдиқлашнинг қуйидаги тартибини қабул қилади: СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети даромад ва харажат қисмларининг умумий якунлари бўйича овозга қўйилсин, СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун моддамодда қабул қилинсин.

Миллатлар Совети СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджетини бир овоздан тасдиқлайди. СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонун моддама-модда, сўнгра эса бутунича бир овоздан қабул қилинади.

Миллатлар Совети СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлашга ўтади. СССР Олий Совети Президиумининг Секретари, депутат **Н. М. Пегов** доклад қилади.

Қрим областини РСФСР составидан Украина ССР составига ўтказиш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг чиқарган Фармонини тасдиқлаш масаласи бўйича музокараларда депутат **М. П. Тарасов** (РСФСР, Уфа округи), депутат **П. Г. Тичина** (Украина ССР, Киев округи) сўзга чиқдилар.

Миллатлар Совети «Қрим областини РСФСР составидан Украина ССР составига ўтказиш тўғрисида Қонун»ни бир овоздан қабул қилади.

Сўнгра Миллатлар Совети янги областьлар тузилганлиги ҳамда иттифоқчи республикаларнинг ба'зи областьлари тугатилганлиги ва СССРнинг янги министрликлари ташкил этилганлиги сабабли «СССР Олий Совети Президиуми томонидан қабул қилинган Фармонларни тасдиқлаш тўғрисида Қонун»ни бир овоздан қабул қилади.

Бундан ташқари, Миллатлар Совети СССР Олий Совети Президиумининг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонунининг 30-А ва 30-Б моддаларининг таҳририни ўзгартириб ёзиш тўғрисида»ги ҳамда «СССР гражданлари блан ажнабийлар ўртасида никоҳ бўлишини тақиқлаш тўғрисида» СССР Олий Совети Президиумининг 1947 йил 15 февральдаги Фармонини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонларни тасдиқлади.

Шу блан Миллатлар Советининг олтинчи мажлиси тамом бўлди.

Иттифоқ Советининг 1954 йил 26 апрельдаги мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

26 апрельда, кундуз соат 4 да, Кремльда, Катта Кремль Саройида Иттифоқ Советининг бешинчи мажлиси очилди.

Иттифоқ Советининг мажлисида СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар давом этди.

Музокараларда депутат **М. М. Межидов** (Доғистон АССР, Буйнак округи) сўзга чиқди. Сўнгра раислик қилучи **А. П. Волков** КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Н. С. Хрушчёвга** сўз беради.

Иттифоқ Совети СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги доклад юзасидан музокараларни тўхтатилсин, деб қарор қабул қилади ва СССР Молия министри, депутат **А. Г. Зверевнинг** охирги сўзини, шунингдек Иттифоқ Совети Бюджет комиссиясининг раиси депутат **И. С. Сенининг** охирги сўзини тинглайди.

Депутат **Я. П. Островнинг** таклифи блан Иттифоқ Совети Бюджетни тасдиқлашнинг қуйидаги тартибини қабул қилади: СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар қисмининг умумий якунлари бўйича овозга қўйилсин, СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун моддамодда қабул қилинсин.

Иттифоқ Совети СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджетини бир овоздан тасдиқлайди. СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун моддама-модда, сўнгра эса бутунича бир овоздан қабул қилинади.

Иттифоқ Совети СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлашга ўтади. СССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат **Н. М. Пегов** доклад қилади.

Қрим областини РСФСР составидан Украина ССР составига ўтказиш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг чиқарган фармонини тасдиқлаш масаласи бўйича музокараларда депутат **М. А. Яснов** (Москва шаҳри, Москва-рецкий округи) ва депутат **Н. П. Бажан** (Украина ССР, Тулчинский округи) сўзга чиқдилар.

Иттифоқ Совети «Қрим областини РСФСР составидан Украина ССР составига ўтказиш тўғрисида Қонуни»ни бир овоздан қабул қилади.

Сўнгра Иттифоқ Совети янги областьлар тузилганлиги ҳамда иттифоқчи республикаларнинг ба'зи областьлари тугатилганлиги ва СССРнинг янги министрликлари ташкил этилганлиги сабабли «СССР Олий Совети Президиуми томонидан қабул қилинган фармонларни тасдиқлаш тўғрисида Қонун»ни бир овоздан қабул қилади.

Бундан ташқари, Иттифоқ Совети СССР Олий Совети Президиумининг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонунининг 30—А ва 30—Б моддаларининг таҳририни ўзгартириб ёзиш тўғрисида»ги ҳамда «СССР гражданлари блан ажнабийлар ўртасида никоҳ бўлишини тақиқлаш тўғрисида» СССР Олий Совети Президиумининг 1947 йил 15 февральдаги Фармонини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонларни тасдиқлади.

Шу блан Иттифоқ Советининг бешинчи мажлиси тамом бўлди.

Иттифоқ Совети блан Миллатлар Советининг 1954 йил 27 апрельдаги қўшма мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

27 апрельда, кундуз соат 12 да, Кремльда, Катта Кремль Саройида Иттифоқ Совети блан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси очилди.

СССР Олий Совети СССР Олий Советининг Президиумини сайлашга киришади.

Депутат **А. М. Пузанов** СССР Олий Совети Президиумининг состави тўғрисида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети томонидан ма'қулланган таклифни киритади.

СССР Олий Совети Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумини бировоздан сайлайди.

Шундан кейин СССР Олий Совети СССР Ҳукуматини — СССР Министрлар Советини тузишга киришади. Раислик қилучи депутат **В. Т. Лацис** СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Г. М. Маленковнинг** СССР Ҳукумати — СССР Министрлар Советининг составини тўғрисида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети томонидан ма'қулланган таклифни ўқиб беради.

СССР Олий Совети Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг составини бир овоздан тасдиқлайди.

Сессия кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиниб бўлди. Раислик қилучи СССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг биринчи Сессиясини ёпиқ деб э'лон қилади.

Иттифоқ Советида

26 апрель кундуз соат 4 да Катта Кремль Саройида Иттифоқ Советининг бешинчи мажлиси очилди. Раис столи ёнида — Иттифоқ Советининг раиси ва унинг ўринбосарлари ўтиришибди.

Ҳукумат ложаларида — партия ва ҳукумат раҳбарлари, министрлар ўтиришибдилар. Залда меҳмонлар кўп. Дипломатик корпус, четэл ва совет матбуот ложалари одамлар блан тўла.

СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети проектини муҳокама этиш давом қилади.

Депутат **М. М. Межидов** ўз нутқида Доғистон АССРнинг иқтисодий ва маданий қурилишдаги муваффақиятларини гапириб берди. Совет ҳокимияти йиллари ичида республика нефть, газ, шиша, машинасозлик, химия, кўн-пойафзал ва бошқа шулар сингари янги саноат тармоқлари вужудга келди. Доғистон, халқларининг революцияга қадар ўз ёзуви ва адабиёти бўлмаган эди, ҳозир Доғистонда 1208 та мактаб, 5 та олий ўқув юрти ва 17 техникум бор, 5 та театр, 900 тадан кўпроқ клуб, қироатхона ва маданият уйлари ишламоқда, СССР Фанлар академиясининг филиали очилган.

Депутат Межидов СССР Давлат бюджетини бюджет комиссиясининг тузатишлари блан тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни қувватлайди.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Н. С. Хрушчевга** сўз берилади. Депутатлар ва меҳмонлар гулдурос қарсаклар блан кутиб олинган ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқини эўр э'тибор бериб тинглайдилар, унинг нутқини неча марталаб қарсаклар чалиб олқишлайдилар.

Раислик қилучи бюджет тўғрисидаги музокаралар тўхтатилсин, деган таклиф тушди, деб айтди. Бу таклиф қабул қилинади. СССР Молия министри депутат **А. Г. Зверевнинг** ва бюджет комиссиясининг раиси депутат **И. С. Сенининг** охирги сўзларидан кейин Иттифоқ Совети СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджетини ва Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни бир овоздан тасдиқлайди.

Бюджет даромадлар бўйича 572 миллиард 542 миллион 327 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 562 миллиард 801 миллион 956 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 9 миллиард 740 миллион 371 минг сўм ошиқ қилиниб тасдиқланди.

Сўнгра Иттифоқ Совети кун тартибидаги навбатдаги масалани муҳокама қилишга — СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлашга ўтади.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат **Н. М. Пеговга** сўз берилади. У, СССР Олий Советининг Президиуми РСФСР ва Украина ССР Олий Советлари Президиумларининг биргаликда қилган тақдимини кўриб чиқиб, Қрим областини РСФСР составидан Украина ССР составига ўтказиш тўғрисида фармон қабул қилди, дейди. Қримнинг географик аҳволи Қрим областининг экономикаси блан Украина жанубий районларининг экономикаси ўртасида ўзҳушлик вужудга келишига кўп жиҳатдан сабаб бўлди. Қрим областининг Украинанинг иқтисодий тараққиёти блан бевосита боғланган ҳолда ўсди ва мустаҳкамланди. Қрим области Украина ССР составига қўшилганидан кейин ўзининг хўжалигини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар олади. Бундай дўстона ишни, деб та'кидлайди депутат Пегов, фақат социалистик Ватанимиз шароитидагина, СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва дўстлиги шароитидагина амалга ошириш мумкин бўлди.

Депутат **М. А. Яснов** (РСФСР) сўзга чиқади. У, Қрим областини Россия Федерацияси составидан Украина составига ўтказиш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг сессия тасдиқига тақдим этилган Фармони катта давлат аҳамиятига эга бўлган тарихий актдир ва рус ҳамда украин халқларининг манфаатларига, социалистик давлатнинг умумий манфаатларига мос бўлиб тушади, дейди.

Депутат Яснов бу тантанали акт мамлакатимиз халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беражагини уқтириб Фармонни тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритади.

— Қрим областини, — деди депутат **Н. П. Бажан** (Украина ССР), — Украина республикаси составига ўтказиш тўғрисидаги Фармонни бутун украин халқи жуда катта ҳурсандлик блан кутиб олди. У, Қримнинг шонли традицияларини меҳр шухратининг шаҳри Севастополь руслар блан украинларнинг ва бутун совет халқларининг Ватан йўлида қилган унутилмас қаҳрамонликларининг намунаси бўлди, ҳозир ҳам шундай намунадир ва бундан кейин ҳам шундай намуна бўлиб қолади. Қрим области мамлакатимизда мўл-кўлчилик яратишдан иборат умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшади.

Иттифоқ Совети Қрим областини РСФСР составидан Украина ССР составига ўтказиш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини бир овоздан тасдиқлайди.

Иттифоқ Совети СССР Олий Советининг Президиуми томонидан сессиялар ўртасидаги даврда қабул қилинган бошқа Фармонларни ҳам бир овоздан тасдиқлайди.

Шу блан Иттифоқ Советининг мажлиси тугайди. 27 апрельда Катта Кремль Саройида Иттифоқ Совети блан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлади. (ТАСС).

Кеча Кремльда

27 апрельда Москвада, Катта Кремль Саройида Иттифоқ Совети блан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлди. Раис столи ёнида Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Раислари ҳамда уларнинг ўринбосарлари ўтиришибдилар.

Ҳукумат ложаларида партия ва ҳукумат раҳбарлари, министрлар ўтиришибдилар. Мажлисда кўпгина меҳмонлар, дипломатия корпусининг вакиллари, совет ва четэл матбуотининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Раислик қилучи — Миллатлар Советининг Раиси **В. Т. Лацис** палаталарнинг қўшма мажлисини очиқ деб э'лон қилади.

Кун тартибида — СССР Олий Совети Президиумини сайлаш ва Ҳукумат — СССР Министрлар Советини тузиш масаласи турибди.

Депутат **А. М. Пузанов** СССР Олий Совети Президиумининг состави тўғрисида КПСС Марказий Комитети томонидан ма'қулланган таклифни киритади.

Олий Совет депутат **К. Е. Ворошиловни** якдиллик блан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб, сайлайди, иттифоқчи республикаларнинг сонига қараб Президиум Раисининг ўринбосарларини ва Президиумнинг 15 а'зосини сайлайди. Депутат **Н. М. Пегов** Президиумнинг Секретари қилиб сайланди.

Депутатлар ва меҳмонлар СССР Олий Совети Президиумининг янги сайланган составини давомли қарсаклар блан табриклайдилар.

Раислик қилучи СССР Олий Советининг топшириғига мувофиқ СССР Министрлар Советининг раиси **Г. М. Маленков** СССР Ҳукуматининг составини тўғрисида КПСС Марказий Комитети томонидан ма'қулланган таклифни киритади.

Олий Совет СССР Министрлар Советининг составини бир овоздан тасдиқлайди.

Г. М. Маленков СССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тасдиқланди. **В. М. Молотов** Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи Ишлар Министри қилиб, Совет Иттифоқи Маршали **Н. А. Булганин** СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва Мудофаа Министри қилиб, **Л. М. Каганович** СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари қилиб, **А. И. Микоян** СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари ва Савдо Министри қилиб, **М. В. Сабуров** СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари ва Давлат план комитетининг Раиси қилиб, **М. Г. Первухин** СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари қилиб, **И. Ф. Тевосян** СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари қилиб, **В. А. Малишев** СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари ва Ўрта машинасозлик Министри қилиб, **А. Н. Косигин** СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари қилиб тасдиқланди. СССР министрлари ҳам бир овоздан тасдиқланди.

Залда гулдурос овация бошланади. Депутатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукуматини табриклайдилар.

Раислик қилучи кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиниб бўлганлигини билдиради. СССР тўртинчи Чақириқ Олий Советининг сессияси ёпиқ деб э'лон қилинади. **(ТАСС).**

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Депутат Л. М. КАГАНОВИЧ нутқи

(Ўзбекистон ССР, Тошкент-Ленин сайлов округи)

Депутат ўртоқлар! 1954 йилги Давлат бюджетининг проекти Совет давлатимизнинг ва социалистик хўжаликнинг қудрати гоят ўсганлигини акс этдиради. Бюджетнинг ҳажми урушдан аввалги даврдагига нисбатан уч мартадан знёд ортди, бешинчи бешйилликнинг ўтган уч йили мобайнида эса, 35 процент кўпайди. Ана шундай буюк юксалиш совет халқи қаҳрамонона кураши ва меҳнатининг натижаси, Коммунистик партиянинг, унинг Марказий Комитетининг ва Совет Ҳукуматининг тўғри сиёсати натижасидир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ҳозир мажлис қилаётган Олий Совет депутатлари сайлови бутун халқ Партия ва Совет Ҳукуматининг сиёсатини — партия ва давлатимизнинг ташкилотчиси улуғ Лениннинг ва Ленин ишларининг улуғ давомчиси Сталиннинг та'лимоти ва васиятларига асосланган сиёсатни ма'қуллаётганлигини кўрсатди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бу сиёсат ишчи ва деҳқонларнинг 1917 йил Октябрьда вужудга келган Совет давлатининг куч-қудратини мустаҳкамлашни, социализм қуришни ва социализмдан муваффақиятли суратда коммунизмга ўтишни та'минлашни доим кўзда тутиб келди ва ҳозирда ҳам кўзда тутади.

Совет халқи ўз партиясининг раҳбарлиги остида қолоқ, аграр мамлакатни индустриялашган, колхозлашган илғор давлатга айлантириб, кучли оғир индустрияни вужудга келтириб, немис фашизмига қарши курашда Ватанимизнинг давлатлигини ҳимоя қилиб, ер юзидаги биринчи социалистик давлатнинг мустаҳкамлашуви учун ҳаётини фидо қилган ўз ўғлонлари ва қизларини ҳеч аямасдан, ер юзидаги биринчи ишчи-деҳқон давлатини ҳимоя қилиб, ҳалқ хўжалигини тиклаб, ривожлантириб, социализм асосларини яратиб, ер юзидаги биринчи социалистик давлатнинг мустаҳкамлашуви учун ҳаётини фидо қилган ўз ўғлонлари ва қизларини ҳеч аямасдан

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Депутат Л. М. КАГАНОВИЧ нутқининг охири

Шу нарсани э'тиборга олингки, ана шу елим бир-икки кун ичида жўнатилмаса, Иўллар министрлиги бу елим туфайли ҳархил та'наларни эшитади. **(Залда хушчақчақ жонланиш).** Бу ҳақда пювшув қиладилар, лекин унинг бема'нилиги тўғрисида ўйлаб кўрмайдилар.

Мен шуни айтишим керакки, мана бу хил ҳамма юк ташиш ишларида маҳаллий жойлар, я'ни районлар, областьлар ва республикалар катта роль ўйнамоқлари керак. Ҳамма нарсани министрлик дан кутиб туриш шарт эмас. Бизда ҳунармандчилик кооперацияси, маҳаллий саноат бор. Айтайлик, нега республика ёки областьлар ўзларини кондитер моллари блан 30 процент миқдорида та'минлаб, қолган 70 процентини Москвадан кутиб туришлари керак? Ноҳатки, бу шунчалик мураккаб иш бўлса, ноҳотки бунинг учун «Магнитогорск» сингари гигант қуриш ва бунинг проектини икки йил тайёрлаш керак бўлса? Маҳаллий ташаббусни кенгроқ ривожлантириш, марказ эса бу ташаббусни рағбатлантириши керак, республикаларда, область ва районларда хўжаликни комплекс равишда ривожлантириш зарур токи зарур бўлган гишт, оҳак оёқ кийими, кондитер моллари ва бошқа товарларнинг аллақаердан келтирилишини кутиб ўлтирилмасин.

Биз бюрократизмга қарши, қоғозбозликка қарши ҳаклы суратда кураш олиб бораётирмиз, лекин бу хил қоғозбозлик нинг бир қисми шунинг учун давом қилмоқдаки, ҳарбир киши ўзи учун керак нарсанинг ҳаммасини марказ беради, деб кутади, ва кутибгина қолмайди, балки марказга қоғоз ёзади, марказ эса унга қоғоз ёзади. Маҳаллий ташаббусни, маҳаллий саноатни, хўжаликни ривожлантириш зарур, ана шунда, албатта, гиштни ҳам, конфетларни ҳам оласан, ўшанда қоғозларни ҳадеб ниҳоясиз елимлаб ўлтиргунча, елимни ҳам оласан. **(Залда хушчақчақ жонланиш).**

Сув йўлларига яқин жойлардаги юкларни, сув йўлларига параллель бўлган айрим темир йўлларда узоқ масофаларга ташиб юргизилаётган юкларни, айниқса руда бўлмаган материалларни, ёғоч, кўмир, галла, халқ-исте'моли молларини ташиш учун сув транспортидан яхши фойдаланилмаётир. Бизда Чусовая, Ангара, Вичегда, Мезень, Сож, Юқори Енисей, Шимолий Донец ва бошқа шу кабн ҳали кемачилик учун фойдаланилмаётган, ёки оз бир қисмидангина фойдаланаётган кўп дар'ёлар бор. Янги каналлардан етарли фойдаланилмайди. Халқ исте'моли учун керакли юклар дар'ёларда жуда кам ташилмоқда. Балиқ, мевасабзавот, газлама ва бошқа шу каби халқ исте'моли молларини дар'ёлар орқали ташиш ҳали ҳам урушдан аввалги даражага етмаган. Бунинг учун даставвал сув транспорти ходимларининг ўзлари айбдор. Қиш кўпроқ юк ташиш учун қурашмаётирлар, ўзларига топширилган юкларни секин ташимоқдалар, уларнинг яхши сақланишини та'минламаётирлар, кемаларнинг ҳажмидан унумли фойдаланмаётирлар. Масалан, пахтани ташиш ҳажми ва масофаси кескин равишда ортди, пахтани сув йўллари орқали ташиш эса камайиб кетди. Пахтани Каспий денгиз ва Волга дар'ёси орқали ташишни кўпайтириш зарур.

Транспорт юк жўнатучиларнинг эҳтиёжини тўла қондиришга эришиши блан бирга, юк ташишда тежашни амалга ошириши, халқ хўжалигининг юк ташиш юзасидан бўлган чиқимларини мумкин қадар камайтириши лозим. Юк ташиш масофаларини жиддий равишда камайтиришни та'минлаш учун Госплан ва Иўллар министрлиги юк ташиш планларини диққат блан кўриб чиқиши ва текшириши, ноўрин юк ташишларни аниқлаши ва уларни қат'ият блан тугатиши; турли министрликлар ва идоралар томонидан ҳархил жойлардан ташиб келтириладиган бирхил маҳсулотни айрибошлашни кучайтириши, ишлабчиқариш планларининг бутун мамлакат бўйичагина эмас, балки ҳамма районларда ҳам, айниқса планларнинг бажарилмай қолиши юкларни узоқ жойларга ташиб келтиришга сабаб бўлаётган районларда ҳам бажаришни та'минлаш, юк жўнатучи министрликларга қарашли совдо-сотиқ ва транспорт органларининг, шунингдек юк ташишни планлаштиручи органларнинг ўринсиз юк ташишларни аниқлаш ва бундай юк ташишларга йўл қўймаслик соҳасидаги ишларни активлаштириш зарур.

Районлардаги эҳтиёжларни тўғри аниқлаш учун мамлакатнинг районлари бўйича йиллик ишлабчиқариш ва та'минот планлари тузишга ўтиш зарур. Савдо-сотиқ, та'минот, юк ташишни планлаш соҳасида ишлаётган ҳамма органларнинг ишини жиддий равишда яхшилашга эришиш, ишлабчиқаришни планлаштиришдаги мавжуд камчиликларни тугатиш керак. Бу эса ўринсиз юк ташишларни камайтириш, юк ташиш масофаларини қисқартиш ва халқ хўжалигидаги чиқимларни камайтиришга имконият беради, нархларни камайтириш учун янги шароитлар вужудга келтради, темир йўлларни ошиқча юк ташишлардан бўшатади. Шу нарса муҳимки, министрликлар ва Госплан районларда ва республикаларда ишлабчиқариш кучларини тўғри жойлаштиришни ва ишлабчиқаришни комплекс ривожлантиришни назарда тутиб, қувватларни планлаштиришдаги камчиликларни тугатсинлар ва қурилиш ҳамда қувватларни ишга туширишни планларнинг бажарилишини та'минласинлар. Ҳеч шубҳа йўқки, Марказий Комитет ва Министрлар Совети, ҳамма министрликлар ва маҳаллий ташкилотлар чекка ўлкаларнинг ва республикаларнинг маданиятини юксалтириш ишида, ҳарбир область ичида ишлабчиқариш кучларининг яхши жойлаштирилиши ишида ва шу блан халқимизнинг фаровонлигини янада оширишни та'минлаш ишида янги муваффақиятларга эришадилар. **(Қарсаклар).**

Ўринсиз ва муқобил юк ташишларни камайтириш ҳамда юк ташиш масофасини камайтириш ҳозирги вақтда темир йўл транспорти учун айниқса муҳимдир. Бу айниқса шунинг учун муҳимдирки, халқ исте'моли молларни ишлабчиқариш соҳасида ва қишлоқ хўжалиги соҳасида партия томонидан қўйилган янги вазифалар транспортдан юк ташишни анча кўпайтиришни талаб қилади, шунингдек транспортнинг эксплуатацион ишини мураккаблаштиради.

Қишлоқ хўжалигини ва халқ исте'моли буюмлари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш оғир саноатга зарар етказиши ёки унинг ҳисобига ривожланиши ҳақида бизда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Оғир саноатнинг маҳсулоти ўсаберади, қишлоқ хўжалиги ва халқ исте'моли буюмлари саноатининг маҳсулоти ҳам ўсаберади. Транспорт юк ташишнинг янада кенг миқ'ёсда ўсишини та'минлашга тайёр туриши лозим.

СССР Министрлар Совети ва КПСС МК 1953 йил 6 октябрьдаги қарорида транспорт олдига халқ исте'моли молларини ташишни та'минлаш ва кўпайтириш вазифасини қўйдилар. Темир йўллар халқ исте моли молларини ташиш планини бажаришга қолмасдан, балки кейнги ярим йил ичида пландан ташқари 200 минг вагон озиқ-овқат юклари ташиб бердилар.

Броқ турмуш олға қараб бормоқда ва айниқса ҳозирги вақтда, партия ва ҳукумат томонидан мамлакат олдига қўйилаётган янги вазифалар муносабати блан янгидан-янги талаблар қўймоқда. Транспортимиз, айниқса темир йўл ғоят катта қийинчиликларни енгди ва мамлакатни индустриялаштириш асосида ўсди, мустаҳкамланди ҳамда жиддий муваффақиятларни қўлга киритди. Транспорт, айниқса темир йўл транспорти, халқ хўжалигини ривожлантириш бешйиллик планларини бажаришда, Ватан урушида ҳарбий юклари ташишни та'минлашда ҳамда урушдан кейин СССР халқ хўжалигини тиклашда ва ривожлантиришда ғоят катта роль ўйнаганлигини ҳамма э'тироф қилади.

Кескин суратда кўпайиб бораётган юкларни ташиш проблемасини ҳал этиш мумкин ва лозим. Бу вазифа: 1) транспортнинг ўз ишини янада яхшилаш, резервларни сафарбар қилиш, вагон ва локомотивларнинг оборотини тезлатиш ҳисобига, 2) транспортнинг хизмат қилиш ва юк ташиш қобилиятини янада ошириш ҳисобига, 3) ноўрин юк ташишларни қамайтириш ва юк ташиш масофасини қисқартиш ҳисобига ҳал этилади.

Поездлар қатновининг коммерсия тезлигини оширишда катта резервлар бор. Юк ташиш сифатининг энг муҳим кўрсаткичи — юкларни тез етказиб беришдир. Ҳамавақт темир йўлларда, вагонларда жам'и 26 миллиард сўмга яқин ҳисобланган 11,5 миллион тонна хилмахил юк бўлади. Темир йўл транспортида бир тонна юкни етказиб беришнинг ўртача кечикиши ҳозирги вақтда Министрлар Совети томонидан белгиланганига нисбатан 0,36 суткани ташкил этади. Ана шу кечикишни тугатишнинг ёлғиз ўзи халқ хўжалиги учун 2,5 миллиард сўмлик молни бўшатиб олишга имкон беради. Поездлар қатнови графигини, биринчи навбатда умумдавлат аҳамиятига эга бўлган юклар ортилган ва тез ўтадиган поездларни ажратиб, бу поездларнинг коммерсия тезлигини ошириб ўтказиб юбориш ҳисобига анча яхшилаш лозим. Поездларнинг юкларини ошириш, даставвал оғир юкларни юргизадиган машинистлар ҳаракатини кенг қизитиб юбориш айниқса муҳимдир. Шуни айтиш керакки, бу ҳаракат ҳали оммавий тус олган эмас.

Сортировка ва участка станцияларининг ишида ҳам катта резервлар бор, бу станцияларда вагон ўпта ҳисобда ўз оборот вақтининг 40 процента миқдорида ўтхтаб туради. Юк ортиш операциялари вақтида вагонларнинг бекор туриши шу дамгача 1940 йилги даражадан ошиқ. Шу муносабат блан фақат юк станцияларининг ишинигина эмас, балки саноат корхоналарига борадиган йўлларда, айниқса енгил саноат, қораметаллургия, ёғоч саноати, тайёрлаш ва бошқа бирқанча министрликларнинг корхоналардаги йўлларнинг ишини ҳам жиддий равишда яхшилаш зарур. Молларнинг хилига қараб юкларни яхшилашга айниқса э'тибор бериш лозим. Биз ҳарқанақа юкни ортабермасдан, балки конкрет аҳамиятга эга бўлган товар ва юкларни ортишимиз керак. Колхозларнинг юкларини ташиш соҳасидаги эҳтиёжларни ҳам қондиришни та'минлаш зарур. Колхоз савдосини кенгайтириш кўп жиҳатдан транспортнинг ишига боғлиқ. Бунда, албатта, юкларни йирик-йирик қилиб жўнатиш учун Центросоюзнинг улгуржи сотиб олиш операцияларини уюштириш масаласи муҳим ўрин тутади. Юк ташишнинг сифатини яхшилашга ва махсус юкларни — тез бузилиб қоладиган юкларни ҳамда тирик молларни ташиш, майда-майда қилиб жўнатиладиган юкларни ва контейнерларда юборилади ган юкларни ташишни ўзлаштириш зарур.

Юк ташишни тезлатишда ва унинг ҳажмини кўпайтиришда транспортнинг бир me'ёрда ишлашини та'минлаш жиддий резервдир. Афсуски, бу шартга риоя қилинмаётир. Транспортнинг бир me'ёрда ишламаслигининг жиддий сабаби унинг ўзидаги камчиликлар блан бир қаторда, кўпчилик саноат корхоналарининг ҳали ҳам бир теккисда ишламаслигидир. Ойнинг биринчи ўн кунлигида маҳсулот ишлаб чиқариш бундан аввалги ойнинг учинчи ўн кунлигига нисбатан, одатда, 20—25 процент кам бўлади. Натижада юк жўнатучилар ойнинг биринчи декадасида планда белгиланган миқдорларда юк топшириши доимо та'минламай келадилар ва юк ортиш учун берилган вагонлардан тўла фойдаланмайдилар. Ойнинг охирида эса товар маҳсулоти кўп келтирилганлиги натижасида бирқанча узель ва йўлларда катта транспорт қийинчиликлари юз беради. Саноатнинг бир me'ёрда ишламаслиги масаласи мустақил аҳамиятга эга бўлиб, транспорт тўғрисидаги масала доирасидан анча узоққа чиқиб кетади, ва уни мумкин қадар тез ҳамда асосли равишда ҳал этиш зарур.

Мамлакатимизнинг денгиз ва дар'ё флоти ўсди, юк ташиш жиддий равишда кўпайди, броқ дар'ё ва денгиз транспорти учун энг муҳим масала мамлакатимизнинг умумий юк ташишида бу флотнинг солмоғини оширишдан иборат. Унинг солмоғи ҳали етарли эмас ва 1953 йилда дар'ёларда юк ташиш бўйича атиги 6,3 процентни ва денгизларда юк ташиш бўйича 5,1 процентни ташкил қилди, ҳолбуки, темир йўл транспортига эса ҳамма юкларнинг 84,5 проценти тўғри келади. Эксплуатация соҳасида флотнинг қатнаш тезлиги, юриш вақти, бекор туриш ва портларда флотдан ҳамда механизмлардан фойдаланиш соҳасида дар'ё ва денгиз флоти темир йўл транспортидан орқада қолаётир. Сув транспортида юкларни етказиб бериш муддатлари юкни темир йўллар бўйича етказиб бериш муддатларига нисбатан 4—5 баравар узоқ, товарларнинг анча қисми учун белгиланган тарифлар эса темир йўллардагы тарифлар блан баравар деса бўлади. Мана бу ҳол дар'ё транспортига юкнинг кам келишига сабаб бўлаётир, сув транспортининг ходимлари эса юкларни кўпроқ жалб қилишда ғайрат кўрсатмаётирлар. Дар'ё ва денгиз транспортининг ходимлари юк ташишни кўпайтиришлари, мавжуд қувватлардан фойдаланишни яхшилашлари, оборотни тезлатишлари ва кемаларнинг қатнов тезлигини оширишлари зарур.

Автомобиль транспорти блан юк ташиш тез сур'атлар блан ўсиб бормоқда. Броқ бу ишни ташкил қилиш ва айниқса автомобиль транспортидан фойдаланиш қониқарсиздир. Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги бўйича юк автомобиль паркидан фойдаланиш коэффициенти атиги 0,62 га тенгдир. Бошқа министрликлар ва идораларда автомобиль паркидан айниқса қониқарсиз фойдаланилмоқдаки, буларда автомобиль паркидан фойдаланиш коэффициенти атиги 0,47 га тенгдир, бир тонна-километрнинг таннархи эса Автомобиль транспорти министрлигидагидан деярлик икки баравар юқоридир. Автомобиль паркидан фойдаланишни яхшилаш, юкларни Москвада қўлланилаётганидек автомобиль транспорти блан марказлашган тартибда ташиш тажрибасини кенг қўлланиш зарур, бу тадбир эса, автомобильлардан фойдаланишни яхшилаш, юк ташишда банд бўлган автомобильлар сонини, шунингдек юкчилар ва агентлар сонини камайтиришга имконият берди.

Транспорт ходимларининг темир йўл, сув, автомобиль транспорти ходимларининг энг муҳим вазифаси пассажирлар ташиш ва пассажирларга хизмат қилиш ишини ҳамма йўллар блан яхшилашдир. Транспортнинг ҳамма турларидаги резервларни сафарбар қилиш блан бир қаторда транспортни техника блан янада та'минлаш ва унинг юк ташиш қобилиятини кўпайтириш масаласини жиддий равишда қўйиш зарур. 1954 йилда темир йўл транспортига 11,6 миллиард сўм, дар'ё ва денгиз транспортига 3,6 миллиард сўм ва автомобиль транспортига 2,5 миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилади. Мана бу капитал харажатлар транспортнинг қувватларини ривожлантириш проблемасини тўла ҳал этади деб айтиб бўлмайди, лекин бу капитал харажатлар анча каттадир, афсуски мамлакатимиз саноатининг ишлаб чиқариш кучлари, Совет Иттифоқига, Хитой Халқ Республикасига ва барча халқ демократияси мамлакатларига нисбатан дўқ қилишдан ҳам тортинмаётганликларини кўриб турибмиз.

Шу сабабдан биз мустаҳкам тинчлик, хавфсизлик ва барча халқлар ўртасида дўстлик учун кураш сиёсатини сабот ва изчиллик блан давом этдириб, шу блан бирга Ватанимизнинг мудофаа қудратини оширамиз, шонли Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаймиз ва мукаммаллаштирамиз. **(Қарсаклар).**

Биз буюк марксизм-ленинизм та'лимоти ёрқин нур сочиб ёритиб турган, Коммунистик партия ва Совет давлатининг гениал ташкилотчиси Владимир Ильич Ленин ва унинг ишининг улуғ давомчиси ўртоқ Сталин кўрсатган равшан йўлдан бораётирмиз.

Қолоқ аграр мамлакатни саноатлашган ва колхозлашган қудратли социалистик давлатга айлантираолган буюк Партия, Улуғ Ватан урушида буюк ғалабани уюштирабилган ва мисли кўрилмаган вайроналикларга барҳам берган Партия совет халқини коммунизмнинг тўла ғалабасига олиб келишига ҳеч қандай шаксшубҳа қилмаса ҳам бўлади. **(Давомли қарсаклар).**

Партиямизга жангларда чиниққан Марказий Комитетнинг раҳбарлик қилаётганлиги, Партия ва Совет Ҳукуматининг бутун халқ блан бузилмас бирлиги тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги, Партиянинг халқни голибона Маркс — Энгельс — Ленин — Сталин шонли байроғи остида бошлаб бораётганлиги коммунизм ғалабасининг гаровидир. **(Давомли қарсаклар).**

Байрамолди мусобақаси кенгайтирилмоқда

Кенг исте'мол молларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш мақсадида фидокорона меҳнат қилаётган Тошкент 2-нчи сон пойафзал фабрикасининг коллективи умумхалқ байрами 1 Май шарафига меҳнат вахтасида туриб, янги муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Фабрика коллективи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортиментига алоҳида э'тибор бермоқда. Матодан пойафзаллар тайёрлаш плани биринчи кварталда 593 процент, бошқа хил кўн пойафзаллар ишлаб чиқариш плани 141 процент адо этилди. Эркаклар пойафзали тайёрлаш квартал плани 126 процент, хотин-қизлар учун пойафзаллар тайёрлаш плани 166 процент бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақирқларидан бениҳоя руҳланган фабрика коллективи бу ютуқлар блан қаноатланиб қолмай, 1 Май байрами шарафига 19 хил янги модельли пойафзаллар тайёрламоқда.

Апрель ойидан бошлаб 5-нчи цех коллективи хотин-қизлар учун резина тагли туфлилар блан бирга, пойафзалларнинг ёз мавсумида кийиладиган янги хилларини кўпайтиришга катта э'тибор бермоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати кундан-кунга яхшиланаётир. Биринчи сортли пойафзал ишлаб чиқариш ўтган йилнинг IV кварталига нисбатан 14 процент, меҳнат унуми эса 15,2 процент ошди.

Асосий ва ёрдамчи материалларни тежаш коллективнинг жанговар вазифаси бўлиб қолди. Биринчи кварталнинг ўзидагина 1 миллион 823,4 минг дециметр юмшоқ тери тежалди. Бундан 226 минг сўмлик — 2900 жуфт пойафзал тикилди.

Коллектив апрель ойи планини муддатидан 3 кун илгари бажариш, пландан ташқари 6 минг жуфт пойафзал тайёрлаш, 69 минг сўмлик хомаш'ё тежаш мажбуриятини олди.

Б. СУЛТОНОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини муваффақиятли якунлайлик

Коммунистик партия совет халқининг коммунистик жамият қуриш учун курашига бошчилик қилиб, идеология масалаларига, кадрларни марксча-ленинча назария блан қуроллантиришга жиддий э'тибор бермоқда.

Куйбишев район партия ташкилотлари коммунистларнинг марксча-ленинча назарияни ўрганишга бўлган ҳаваслариии ҳисобга олиб, уларнинг сиёсий билимларини ошириш учун 1953—54 ўқув йилида анча иш қилдилар ва эндиликда партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини муваффақиятли тугаллашга тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар.

Районнинг корхона ва муассасаларида ҳамда ўқув юртларида марксизм-ленинизм классиклари асарларига, ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихига, партиямиз Марказий Комитетининг халқ хўжалигини ривожлантириш ва совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисидаги қарорларига оид докладлар, лекциялар, суҳбатлар, илмий-назарий конференциялар ўтказилмоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида 53 сиёсий мактаб, КПСС тарихини ўрганиш юзасидан 116 тўгарак ташкил этилган. Районда сиёсий иқтисод ва философия фанларини ўрганиш юзасидан 20 тўгарак ишламоқда. Ташкил этилган тўгарак ва семинарларга 3 минг 500 киши тортилган.

Бундан ташқари минтга яқин партияли ва партиясиз ходимлар ўз билимларини мустақил равишда оширмоқдалар, кечки марксизм-ленинизм университетида ўқимоқдалар.

Кўпгина пропагандистлар топширилган ишга мас'улият блан қараб машғулотларни юқори савияда ўтказиб ва бош муассасалардаги партия ташкилотларидан ҳузурида сиёсий мактаб ва тўгаракларда машғулотлар юқори савияда ўтказилмоқда, 1953—1954 ўқув йили учун белгиланган программа тўла бажарилмоқда.

Район партия комитети партия маорифига пухта раҳбарлик қилиб, ҳарбир пропагандистнинг иши, уларнинг машғулотларга тайёрланишлари устидан қатъий назорат ўрнатишга бошланғич партия ташкилотларининг э'тиборини жалб қилиб келди.

1-нчи автобаза бошланғич партия ташкилотининг секретари Климов, 3-нчи автобаза партия ташкилотининг секретари Никуленко ўртоқлар машғулотларнинг ўтишига жиддий аҳамият бермаганлар. Партия тарихини ўрганиш юқори типдаги тўгарагига тортилган коммунистларнинг иш шароитлари тўлиқ ҳисобга олинмаган. Натижада тингловчиларнинг кўпи командировкада бўлиб 5 марта машғулот ўтказилмай қолган. Район партия комитети тез-тез командировкада бўлучиларни мустақил ўрганучилар қаторига ўтказди ва уларга консультантлар ажратди.

Шунингдек гишт заводи бошлангич партия ташкилотида ҳам коммунистларнинг сиёсий билимини оширишда бирмунча камчиликларга йўл қўйилди. Партия ташкилоти машғулотга қатнашчиларнинг билим даражаларини тўғри ҳисобга олмаган ҳолда, тўгаракларнинг сонини 7 тагача кўпайтирган. Партия тарихини биринчи йил ўрганучилар учун ташкил қилинган тўгаракка ўрта ма'лумотга эга бўлган кишилар блан бирга 5 — 6 синфни тугатган кишиларни бир группада ўқитиш планлаштирилган. Партия тарихини иккинчи йил ўрганучилар учун тузилган тўгаракка тортилган 14 коммунистнинг ҳам билими бирхил бўлмаган. Бунинг орқасида тўгарак қатнашчилари ўтилган темаларни турлича ўзлаштириб келганлар.

Грам пластинка заводи бошлангич партия ташкилотининг сиёсий ўқишга раҳбарлиги ҳақидаги масала район партия комитети бюросида икки марта муҳокама қилинди ва бу соҳада жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Пропагандист ўртоқ Булкин ўқув йили бошлангандан бери ўн марта, ўртоқ Жигалов 8 марта машғулот ўтказмаган. Улар пропагандистлик қилган тўгаракларда давомат 60 процентдан ошмаган. Партия ташкилоти коммунистларнинг сиёсий билим даражаларини оширишга э'тибор бермай қўйган. Ҳатто партия ташкилотининг секретари Носонов, заводнинг бош инженери Мартман, Сайфуллин каби коммунистлар марксизм-ленинизм кечки университетида ўқимай қўйганлар.

Сиёсий ўқиш ишига бундай э'тиборсизлик блан қаранши район партия комитети қаттиқ қоралади ва машғулотларни юқори савияда ўтказиш учун тегишли тадбирлар белгилади. Район соғлиқни сақлаш бўлими, «Ўзбекбирлашув», ҳраво-созлик заводи партия ташкилотларида партия маорифининг аҳволи партия йиғилишларида муҳокама қилинди ва йил қўйилган камчиликлар ўз вақтида тузатилди.

КПСС область, ўлка комитетлари ҳамда Иттифоқчи республикалар марказий комитетлари пропаганда ва агитация бўлим мудирларининг КПСС Марказий Комитети томонидан чақирилган кенгаши ва «Правда» газетасининг шу йил 1 февраль сонидаги бош мақоласи партия маорифи шохобчалари ишларини яхшилашга катта ёрдам берди. Райондаги бошланғич партия ташкилотлари бу кўрсатмалар асосида партия маорифи шохобчаларида юз берган камчиликларни тугатдилар.

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини якунлашга саноқли кунлар қолди. Бошланғич партия ташкилотлари партия маорифи ўқишига э'тиборни янада кучайтириб, машғулотларнинг ўз вақтида юқори савияда ўтиши устидан мунтазам контроллик қилиб боришлари, пропагандист ва тингловчиларга нисбатан янада талабчаликни оширишлари лозим. Партия йиғилишларида партия ўқишига доир масалаларни тез-тез муҳокама қилиб туриш ва ўқиш программасида кўрсатилган темаларнинг юқори савияда ўтишини та'минлаш блан партия маорифи шохобчаларида 1953 — 1954 ўқув йилини муваффақиятли якунлашга эришайлик.

Х. ХАЛИЛОВА

Тошкент шаҳар Куйбишев район партия комитетининг секретари

Тошкент шаҳар комсомол активининг йиғилиши

26 апрель куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Тошкент шаҳар олий ўқув юртлари комсомол активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда Тошкент олий ўқув юртларининг комсомол активлари, директорлари ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари иштирок этдилар.

Актив йиғилишида Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг секретари ўртоқ А. Абдунабиев «Олий ўқув юртларининг студентлари орасида ғоявий-тарбиявий ишларнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари» ҳақида доклад қилди.

Докладчи уқтириб ўтдики, партия ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ленинча-сталинча доно миллий сиёсат туфайли СССРнинг барча қардош республикаларидаги сингари Ўзбекистон ССРда ҳам олий ва ўрта та'лим кенг миқ'ёсда ривожланмоқда. Минглаб мактаблар, жуда кўп махсус ўрта ўқув юртлари ва ўнлаб олий ўқув юртлари барпо этилган. Совет ҳукумати олий ма'лумотли кадрлар тайёрлаш ишига ҳар йили жуда катта маблағ сарфлаб келмоқда. Тошкент шаҳрининг ўзидагина 36 махсус ўқув юрти ва15 та олий ўқув юртининг мавжудлиги бунга яққол мисол бўлаолади.

Ўртоқ Абдунабиев студент ёшларга тинмай ғамхўрлик қилиш, уларнинг илм олишлари, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш, жамоат ишларидаги активлигини тобора ошириш, ёшларни коллективизм ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш — ҳарбир бошланғич комсомол ташкилотининг жонажон вазифасидир, деб кўрсатиб ўтди.

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети, Молия-иқтисод, Тўқимачилик ҳамда Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтларининг комсомол ташкилотлари ўз фаолиятларини анча жонлантирдилар, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда ўқитучилар коллективи ва партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар, ижтимоий фанлар кафедралари блан мустаҳкам алоқада бўлиб, студентларнинг марксизм-ленинизм асосларини чуқурроқ ўрганишларига эришмоқдалар. Бу олий ўқув юртларида ўтиб турган илмий конференциялар, традицион кечалар, семинар машғулотлари жуда қизиқарли ўтмоқда.

— Броқ,—деди докладчи,—Ўрта Осиё политехника, Тошкент медицина институтлари комсомол ташкилотлари ўз фаолиятларини яхшиламаётганликлари натижасида, бу ўқув юртлари студентларининг давомати ва ўзлаштириш сифати паст.

САзПИда комсомол ишлари формал равишда олиб борилган. Бу ердаги комсомол раҳбарлари студентларнинг эҳтиёжлари, моддий-маиший шароитлари ҳақида қизиқмаганлар. Тошкент медицина институтида эса ҳалигача ба'зи студентлар бир имтиҳонни топшириш учун ўқитучи олдига 6 — 8 марталаб кирадилар.

Студентлар блан яккама-якка ишламаслиги, ўқиш группаларида комсомол ишларининг яхши йўлга қўйилмаслиги, марксизм-ленинизм асосларини чуқур эгалламаслик, студентлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни юқори савияга кўтармаслик натижасида ба'зи комсомоллар орасида маиший жиҳатдан бузилиш, фанларни ўзлаштирмаслик, машғулотларга қатнашмаслик каби ярамас фактлар Ўрта Осиё политехника, Тоғ, Қурилиш, Индустриал, Алоқа, техникумларида содир бўлмоқда.

Актив йиғилишида сўзга чиққан ўртоқ Трофимов (Тўқимачилик институти) институт партия ташкилотининг раҳбарлигида ўз ишини қайта қурган комсомол ташкилоти студентларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашдаги камчиликларни йўқотиш устида жиддий иш олиб бораётганини айтди.

— Тошкент медицина институтида, — дейди ТашМИ комсомол ташкилоти секретарининг ўринбосари ўртоқ Тўлаганов, — ғоявий-тарбиявий ишлар соҳасида анча камчиликларимиз бор. Ба'зи студентларимиз Ленин комсомоли шаънига иснод келтирадиган ярамас ишларни ҳам қилмоқдалар. Бу ҳоллар институт комсомол комитетининг ўз ишига мас'улиятсизлик блан қараб келаётганлиги натижасида юз бермоқда.

Ўртоқ Тўлаганов ўртоқ Абдунабиевнинг ўз докладида ғоявий-тарбиявий ишларни яхшилаш тадбирларини кўрсатиб бермаганлигини танқид қилади.

Тошкент Юридик институти бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ А'замхўжаев айтдики, институт раҳбарлиги ҳали кадрлар блан ишлаш, айниқса комсомол кадрларни тарбиялаш ишига жиддий э'тибор қилмаётир. Район ва шаҳар партия комитетлари эса институт студентлари орасида ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириб юборишга яқиндан ёрдам бермаётир.

Тошкент қишлоқ хўжалик институти комсомол комитетининг секретари ўртоқ Иброҳимов ўз сўзида студентлар орасидаги ғоявий-тарбиявий ишларнинг бўшлигини кўрсатучи айрим мисоллар келтирди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг инструктори ўртоқ Сеченников шаҳар олий ўқув юртлари студентлари орасида ғоявий-тарбиявий ишлар соҳасида йўл қўйилаётган қатор камчиликларни кўрсатиб ўтди.

Актив йиғилишида ЎзКП Тошкент шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Арнаутов сўзлаб, олий ўқув юртлари партия ташкилотларининг студентлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйиш ва комсомол ташкилотларига раҳбарликни кучайтириш соҳасидаги вазифалари ҳақида гапирди.

Чигитни бир текис ундириб олиб, ғўза парваришини кучайтириб юборамиз

Яқинда Гулистон район марказида район пахтакорларининг ва механизаторларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишга колхоз раислари, илғор бригада ва звеноларнинг бошлиқлари, трактор бригадаларининг механиклари, МТС ларнинг директорлари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассислари қатнашдилар.

Йиғилишда чигитни бир текисда ундириб олиш ва ғўза парваришини ҳартарафлама кучайтириб юбориш масалалари кенг муҳокама қилинди. Бу тўғрида район ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. Исмоилов доклад қилди:

— Районимиз пахтакорлари ва механизаторлари ҳамкорликда ва социалистик мусобақани кучайтирган ҳолда фидокорона меҳнат қилиб, ноқулай об-ҳаво шароити туфайли юз берган табиий қийинчиликларни моҳирлик блан енгиб, чигитни сифатли ишланган ерларга, қисқа муддатда экиб олдилар. Илғор механизаторлар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни бажариш учун курашиб, меҳнат соҳасида яхши натижаларга эришдилар. Ўртоқ Абилмианов С — 30 трактори блан пландаги 300 гектар ўрнига 473 гектар ер ҳайдаб, мусобақада ғолиб чиқди. ДТ—54 тракторида ишлаган ўртоқ К. Бўронов ҳам ана шундай юқори кўрсаткичга эришди. Чигит экиш кунларида жуда кўп универсалчилар ғайрат блан меҳнат қилдилар. Эргаш Файзуллаев, Жамил Сайидбоев ва Алексей Маслов ўртоқларнинг ҳарбири 240—260 гектардан ерга чигит экиб бердилар.

Чигитни қисқа муддатларда, агротехника қоидаларига тўла риоя қилинган ҳолда экилгани учун, у бир текисда унниб чиқмоқда. Ҳозир районимизда 3000 гектардан ортиқ ерда чигитлар бехато унаётир. Ана шундай ерларда ғўза парвариши бошлаб юборилди.

— Илғор пахтакорлар ва механизаторлар, — деди ўртоқ Исмоилов ўз сўзида давом этиб, — ғўзанинг дастлабки парваришини 1 Майгача тугаллаш юзасидан дала ишлари сур'атини тобора кучайтирмоқдалар.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда колхоз раислари, бригада бошлиқлари, механизаторлар чиқиб сўзладилар ва ўзлари амалга ошираётган тадбирларни айтиб бердилар.

Крупская номли колхознинг бригада бошлиғи Абдурахмон Ҳасанов бундай деди:

— Бригадамиз 100 гектар ерга чигит эккан. Биз бу ерларнинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганмиз. Шунга яраша ҳамма ишимизни ўз вақтида бажардик. Чигит экиш белгиланган вақтда тугалланди. Ҳозирги пайтда бригадамиз а'золари ғўзанинг дастлабки парваришини 1 Майгача тугаллаш учун астойдил ишламоқдалар.

Биз бу йил пахта майдонини янги ерлар ҳисобига 100 гектарга кўпайтирдик. Бунинг 25 гектари янги ер ҳисобланади. Биз ана шу ерлардан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун ўзаро мусобақани кучайтириб ишлаймиз. Бу йил бригадамиз бўйича 1 миллион сўм даромад келтириш учун курашамиз.

Сўз Фрунзе номли колхозда хизмат қилаётган трактор бригадасининг механиги ўртоқ Оқмирзаевга берилади:

— Биз ишлаётган колхоз, — дейди у, — ҳар гектар ердан 31,5 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган. Ана шу мажбуриятни шараф блан бажаришда механизаторларнинг ҳам астойдил меҳнат қилиши керак. Бригадамиздаги тракторчилар ва универсалчилар бу вазифани тўла тушунган ҳолда колхознинг ғўзаларини юқори сифатли парвариш қилиш ва ҳамма майдонларда мўл ҳосил етиштириш учун фидокорлик блан ишлашга сўз берадилар.

«Красная заря» колхозининг раиси А. Турдиев колхоз пахтакорларининг мўл ҳосил етиштириш йўлида қилаётган меҳнатлари тўғрисида сўзлаб берди.

— Биз, — деди у, — бу йил 950 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириш мақсадида районимиздаги Молотов номли колхоз а'золари блан социалистик мусобақа шартномаси тузганмиз, ана шу мусобақада ғолиб чиқиш колхозимиздаги ҳарбир кишининг чин мақсадидир. Ҳозиргача 500 гектарга яқин ердаги чигит бир текис униб чиқди. Биз ҳамма карталарда чигитни 1 Майгача тўла ундириб оламиз ва дастлабки ғўза парваришини 5 майгача тугаллаш учун курашамиз. Молотов номли колхоз а'золарини ҳам биздан намуна олиб ишлашга чақирамиз.

Шундан кейин Молотов номли колхознинг раиси С. Назаров сўз олади. У «Красная заря» колхози а'золарининг чақириқларини қабул қилгач, қуйидагиларни айтди:

— Бу йил бизнинг колхоз чигит экишда мусобақадош «Красная заря» колхозидан бирмунча орқада қолди. Лекин бу қолоқликни ғўза парвариши давомида тугатиб, ўтган йилдаги сингари катта майдонлардан юқори ҳосил етиштириш учун барча техника кучларидан, ички имкониятлардан тўла фойдаланамиз. Мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилган пахтакорларимиз ва механизаторларимиз ўз сўзларининг устидан чиқадилар!

Йиғилишда 3-нчи МТС директори Н. Книш, I-нчи МТС партия ташкилотининг секретари М. Каримов ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзладилар.

Шундан кейин йиғилиш қатнашчилари қуйидаги мажбуриятни қабул қилдилар:

Гулистон район колхозлари, машина-трактор станциялари ва қишлоқ хўжалик ходимларининг чигитни тез ҳамда бир текис ундириб олиш ва ғўза парваришини юқори сифатли ўтказиш юзасидан олган социалистик

МАЖБУРИЯТИ

Биз, Гулистон район пахтакорлари, механизаторлари, қишлоқ хўжалик ходимлари бу йил ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганмиз. Бу мажбуриятни бажариш учун барча имкониятларга эгамиз. Районимиз колхозларига учта МТС хизмат кўрсатмоқда. Бу МТС ларнинг парклари ер ҳайдов ва чопиқ тракторлари блан тўла та'мин этилган. Пахтачилик соҳасидаги ишларнинг асосий қисми механизация ёрдамида бажарилаётгани учун ҳарқандай ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини ўтган йиллардаги тажрибаларимизда кўриб келмоқдамиз. Бу йил баҳорнинг серёмғир бўлиши туфайли содир бўлган қийинчиликлар енгилиб, чигитни сифатли ишланган ерларга, қисқа вақт ичида экиб олдик.

Районимиз пахтакорлари ва механизаторлари олдида пахта ҳосилини ошириш блан бирга, пахта майдонларини йил сайин кенгайтиришдек шарафли вазифа турипти. Районимиз территориясида ўзлаштирилиши керак бўлган минглаб гектар янги ерлар борки, келажакда ана шу ерлар «оқ олтин» конига айлантирилиши зарур. Районимиз пахтакорлари механизация кучидан самарали фойдаланиб, шу йилнинг ўзида пахта майдонини янги ерлар ҳисобига салкам 8 минг гектарга кўпайтирдилар. Бу янги ерлар унумдорлиги жиҳатидан ишланиб келаётган ерлардан сра ҳам қолишмайди.

Шу кунларда колхозчилар ва трактор чилар Майолди мусобақасига қўшилиб, ҳамма ерлардаги чигитни қисқа вақт ичида тўла ундириб олиш ва ғўза парваришини намунали ўтказиш учун курашаётирлар. Биз ғўзанинг дастлабки парвариши юзасидан белгиланган ишларни қуйидаги муддатларда ўтказиш мажбуриятини оламиз.

1. Барча майдонлардаги чигитни 5 майгача тўла ундириб олишни та'миналаймиз. Бунинг учун ҳамма далаларни бирма-бир кўздан кечириб чиқамиз, чигит униши хавфли бўлган қаторларга дарҳол қўл блан чигит экиб чиқамиз. Чигит экилгандан кейинги ёнингарчилик натижасида пайдо бўлган қатқалоқни қўл кучи ва механизация ёрдами блан юмшатамиз.

2. Ҳарбир бригада ва звенода гектарнинг тўлиқ бўлиши учун пайкалларнинг чеккалари, бурчакларига қўл блан чигит экамиз. Карталарда ўқариқ олиш ишларини 1 Майгача тугаллаймиз, бу ўқариқларга тезда чигит экиб оламиз.

3. Чигит униб чиққан карталарда дарҳол чопиқни бошлаймиз ва ғўзаларни универсаллар ёрдамида юмшатишга киришамиз. Бу ишни район бўйича 10 майгача тамомлаймиз.

4. Илғорлар тажрибаси ва агротехника қоидаларига кўра ғўзаларни ёш вақтда ягана қилиш мўл ҳосил етиштиришда ҳал қилучи шартлардан биридир. Биз бунга тўла амал қилиб, ғўзани ягана қилишни сифатли ўтказамиз ва ҳамма майдондаги ғўзани 13 майгача ягана қилиб бўламиз. Яганадан кейин махсус текшириш ўтказиб, далаларда ғўза туплари қалинлигининг қай аҳволда эканлигини текшириб чиқамиз. Чигити ола бўлиб қолган қаторларга кўчат ўтқазиб, ҳарбир гектар ерда белгиланган миқдорда ғўза туплари бўлишига эришамиз.

5. Ғўзанинг ёш вақтидан озиқлантириш муҳим эканлигини э'тиборга олиб, биринчи озиқлантиришни 1 июньгача, уч марта озиқлантирилиши керак бўлган далаларда эса, биринчи озиқлантиришни 10 июльгача ўтказиб бўламиз. Шу муддат давомида ғўзаларни озиқлантириш ва суғориш ишларини бир-бирига боғлаб олиб борамиз.

6. Ғўзага механизация ёрдамида ишлов беришни юқорида белгиланган муддатларда та'минлаш учун барча универсалларга культиватор тиркашни 5 майгача тугаллаймиз. Ҳамма колхозлардаги от-улов кучларини ғўза парваришига сафарбар этамиз.

Дала ишларини муваффақиятли ўтказишда колхозлар, МТС лар ўртасидаги социалистик мусобақани янада кучайтириб юборамиз. Ғўзага ишлов бериш даврида социалистик мусобақа шартлари қандай бажарилаётганлигини вақти-вақтида ўзаро текширишдан ўтказиб турамиз.

Биз ғўзанинг ўсиш даврларидаги ҳамма ишларни ўз вақтида тўла амалга ошириб, унинг ривожланишини тезлаштирамиз, шундай йўл блан пахтанинг эрта очилишига эришамиз ва барча ҳосилни ноябрь ойигача йиғиб-териб олиш учун курашамиз.

Пахтакорлар ва механизаторларнинг ҳамавақт унумли ишлашлари учун уларга зарур бўлган барча шароитни яратиб берамиз. Колхозлардаги дала шийпонларини 1 Майгача безатиб, оммавий-тушунтириш ишларининг марказига айлантирамиз. Еш болали аёлларнинг дала ишларида актив қатнашаолишлари учун болалар боқчалари ва яслилари ташкил қилишни ва уларнинг намунали ишлашини та'мин этамиз.

Бу йил районимиз пахтакорлари Сирдар'ё районининг пахтакорлари блан мусобақалашмоқдалар. Ана шу мусобақада ғолиб чиқиш йўлида ҳамма ишларни белгиланган муддатларда, юқори сифатли қилиб бажаришга муваффақ бўламиз. Колхозларнинг ва МТС ларнинг партия ташкилотлари колхозчилар ҳамда механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани тобора кучайтириб, ғўза парваришининг ҳамма даврида юқори кўрсатгичларга эришиш тадбирларини амалга оширадилар.

Партия ташкилотлари томонидан танланган агитаторлар тушунтириш ишларининг э'савиясини кўтарадилар. Биз КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва февраль-март Пленумлари қарорларини колхозчилар ҳамда механизаторларга тўла тушунтирамиз. Уларнинг юқори унум блан, сифатли ишлашларини та'мин этамиз.

Районимиз пахтакорлари ўз олдиларига қўйилган сиёсий ва хўжалик вазифаларни шараф блан бажариш учун курашадилар. Она-Ватанимизга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини янада кўпроқ бериб, Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги бурчимизни тўла адо этамиз.

Бу мажбурият район колхозлари, машина-трактор станциялари ва қишлоқ хўжалик ходимларининг йиғилишида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

Шоли экиш бошланди

Область колхозчилари шоли экишга киришдилар. Бу йил шоликорликдаги асосий ишларни механизациялаш ҳажми кескин суратда оширилади. Шунга кўра ҳамма жойда шоли экиладиган участкалар яхлитлаштирилди. Шолиоя ларда сув қўйиш даври учун ер қазиш машиналари ёрдами блан муваққат пол олинади. Шолини ўриш олдидан полларни текислаш ишлари ҳам машиналар ёрдами блан бажарилади ва ўриш машиналарининг ишлаши учун шароит яратиб берилади.

Бу йил шоли ўришда биринчи марта ўзиюрар комбайнлардан фойдаланилади. Шоликор колхозларга хизмат қилучи машина-трактор станциялари ҳозирдаёқ 44 та ана шундай комбайн олдилар.

В. М. МОЛОТОВ ДАЛЛЕС ЖАНОБЛАРИ БЛАН УЧРАШДИ

ЖАНВА, 2 апрель. (ТАСС). Бугун кундуз соат 12 да АҚШ делегацияси биносида В. М. Молотов Даллес жаноблари блан суҳбат қилди. Суҳбат ярим соатча давом этди. Жанва кенгашига доир турли масалалар муҳокама қилинди. Бундан ташқари, В. М. Молотов атом энергияси масаласи юзасидан АҚШнинг 1954 йил 19 мартдаги меморандумига Совет ҳукуматининг қайтарган жавобини Даллес жанобларига топширди.

В. М. МОЛОТОВ БИДО ЖАНОБЛАРИ БЛАН УЧРАШДИ

ЖАНВА 2 апрель. (ТАСС). СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов бугун Франция делегацияси биносида Франция ташқи ишлар министри Бидо жаноблари блан учрашди. Жанва кенгашида Ҳинди-Хитой масаласини муҳокама қилиш тартиби тўғрисида суҳбат қилинди.

Катта Берлин герман-совет дўстлиги жамиятининг конференцияси

БЕРЛИН, 26 апрель. (ТАСС). Берлинда Катта Берлин герман-совет дўстлиги жамиятининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференциянинг ишларида 500 дан кўпроқ киши қатнашди. Конференцияда Катта Берлин герман-совет дўстлиги Жамияти правлениесининг а'зоси Герхард Венгац доклад қилди.

Докладчи конференция қатнашчиларини «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартномага қарши, Германия масаласини тинч йўл блан ҳал этиш учун курашда ўз олдиларида турган вазифаларни бажаришга чақирди. Ҳозирги вақтда, — деди Г. Венгац, — тинчликнинг сақланишини тилашгина кифоя қилмайди, жамиятнинг ҳарбир а'зоси тинчлик учун актив кураш олиб боришни ўзининг бурчи деб ҳисоблаши зарур.

Г. Венгац жамият а'золари томонидан шаҳарнинг турли районларида қилинган ишларнинг якунларига тўхталиб ўтди.

Лиондаги халқаро ярмаркада совет павильонининг муваффақияти

ЛИОН, 26 апрель. (ТАСС). Лионда 36-нчи халқаро ярмарка очилганига уч кун бўлди. 2 километр узунликдаги территорияда жойлашган павильонларда Европа ва Америкадаги 20 мамлакатнинг 6 минг саноат ва қишлоқ хўжалик фирмалари ва ташкилотларининг маҳсулотлари намойиш қилинмоқда.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги кўп тармоқларининг маҳсулотлари қўйилган СССР павильони ҳамманинг э'тиборини ўзига жалб этмоқда. Лион аҳолисидан неча ўн минглаб кишилар, Франция ва бошқа мамлакатлар савдо-саноат доираларининг вакиллари совет буюмларини кўриш учун келмоқдалар.

Совет станоклари ва машиналари, шунингдек мўйналар ва мўйна буюмлари, ҳунармандчилик бадиий буюмлари, оптика асбоблари, китоблар, музика асбоблари, чинни буюмлар ва бошқа маҳсулотлар ҳамманинг э'тиборига созовор бўлмоқда.

Таассуротлар дафтарларига ҳозирдаёқ бир мингдан кўпроқ ёзувлар ёзилган. Тамошабинлар ўз ёзувларида совет павильонида кўрган ҳамма нарсага юксак баҳо бермоқдалар. Улар бу ярмарка Франция—Совет савдо муносабатларини кенгайтиришга ва ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдирмоқдалар.

Кеча ярмаркани расмий суратда очиш маросими бўлди. Маросимда Миллат мажлисининг фахрий раиси ва Лион шаҳрининг бошлиғи Эдуард Эррио, савдо масалалари бўйича статс-секретарь Буаде, шунингдек СССРнинг Франциядаги элчиси Виноградов ва СССРнинг Франциядаги савдо вакили Осипов ҳозир бўлдилар. Савдо масалалари бўйича статс-секретарь Буаде, Рона департаментининг префекти Маснэ, кардинал Жерлье, шунингдек Миллат мажлисининг кўпгина депутатлари ва Республика кенгашининг а'золари совет павильонини бориб кўрдилар.

Кеча Лион муниципалитетида ярмарка қатнашчилари шарафига зиёфат берилди.

Зиёфатда сўзга чиққан Эдуард Эррио ва Буаде Лион ярмаркасида СССРнинг қатнашувининг аҳамиятини уқтириб ўтдилар, совет халқ хўжалигининг ривожланишини акс этдируччи экспонатларнинг юқори сифатли эканлигини та'кидладилар. Улар Франция блан Совет Иттифоқи ўртасида иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланишини тиладилар.

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши очилди

ЖАНВА, 27 апрель. (**ТАСС махсус мухбири**). Кеча бу ерда Миллатлар Саройида Берлин кенгашида қабул қилинган қарорга мувофиқ чақирилган ташқи ишлар министрларининг кенгаши очилди.

Кенгашда СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов, АҚШ давлат секретари Д. Даллес, Франция ташқи ишлар министри Ж. Бидо, Англия ташқи ишлар министри А. Иден, Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай, Корея Халқ-Демократик Республикаси ташқи ишлар министри Нам Ир, Жанубий Корея ташқи ишлар министри Бьон Ион Тэ, Австралия, Канада, Греция, Филиппин, Люксембург, Янги Зеландия, Таиланд ташқи ишлар министрлари, Туркия, Бельгия, Колумбия, Эфиопия ва Голландия вакиллари қатнашмоқда.

Кенгаш ишларида совет томонидан А. А. Громико, В. В. Кузнецов, шунингдек П. Ф. Юдин, Г. Н. Зарубин, С. А. Виноградов, С. В. Суздалев, Н. Т. Федоренко, Л. Ф. Ильичев, А. А. Лавришчев, Хитой Халқ Республикаси томонидан Чжан Бэнь-тянь, Ван Цзя-сян, Ли Кэ-нун, Ван Бин-нан; АҚШ томонидан Д. Макартур, Р. Макбрайд, Р.Л. О'Коннор, Д. Хит, У. А. Жонсон; Франция томонидан Шовель, Брустра, де Маржери, Байенс; Англия томонидан лорд Рединг, Д. Адлен, Х. Тревельян, У. Грэхэм қатнашмоқдалар.

Раислик қилиш тартиби тўғрисида В. М. Молотов блан А. Иден ўртасида олиб борилган дастлабки музокаралар-нинг боришида уч раис сайлаш тўғрисида совет таклифи қабул қилинди. Шунга мувофиқ кенгашнинг биринчи мажлисида дастлаб келишилган қуйидаги таклиф АҚШ делегацияси номидан киритилди: мажлисларда Таиланд ташқи ишлар министри, СССР ташқи ишлар министри ва Англия ташқи ишлар министри навбатма-навбат раислик қиладилар. Ҳарбир раис ўзига икки ёрдамчи сайлайди.

Кенгаш бу таклифни қабул қилди.

Ташкилий масалаларни муҳокама қилишга бағишланган биринчи мажлисни раис сифатида Таиланд вакили Ван Вайт-хаякон қисқача кириш нутқи сўзлаб очди.

Раислик қилучи Швейцария конфедерациясининг президенти Рюбаттельдан олинган табрик телеграммасини ўқиб эшитдирди. Телеграммада кенгашнинг мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатиш манфаатларида муваффақиятли ўтишига умид билдирилади.

Шундан кейин кенгаш қатнашчилари мажлисларни олиб борши тартиби тўғрисида келишдилар. Мажлисларда фақат кенгаш қатнашчилари ҳозир бўладилар, деб қарор қилинди. Француз, рус, инглиз, хитой ва корейс тиллари расмий тил бўлади.

Шу блан биринчи мажлис ёпилди. Келгуси мажлис В. М. Молотов раислигида 27 апрель соат 15 да бўлади. Бу мажлис Корея масаласини муҳокама қилади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИ

Президент А. Запотоцкий нутқи

ПРАГА, 26 апрель (ТАСС). Чехословакия пионер ташкилотининг 5 йиллиги муносабати блан кеча Прагада тантаналар бўлиб ўтди.

Миллий театр биносида пионерларнинг республика слёти бўлди. Пионерларни Чехословакия ёшлар союзи Марказий Комитетининг секретари Милослав Вецкер ва республика президенти Антонин Запотоцкий табрикладилар ва байрам блан қутладилар.

Президент пионерларни яхши ўқишга ва ўзларини янги ҳаёт учун, ўз Ватанинг порлоқ истиқболи учун ботир курашчилар қилиб тарбиялашга чақирди.

Слётни Польша, Германия Демократик Республикаси ва Венгрия пионерлари табрикладилар, улар Чехословакия пионерларига совғалар топширдилар.

Слётда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Антонин Новотний нутқ сўзлади. У ҳозир бўлганларни байрам блан қутлади ва Чехословакия пионер ташкилотига ЧКПМКнинг Қизил байроғини топширди.

ВЬЕТНАМ МЕҲНАТКАШЛАРИ УМУМИЙ КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ МУРОЖААТИ

ШАНХАЙ, 25 апрель, (ТАСС). Вьетнам информация агентлигининг билдиришича, Биринчи Май кунининг байрам этилажаги муносабати блан Вьетнам меҳнаткашлари умумий конфедерациясининг Марказий ижроия комитети французлар томонидан оккупация қилинган районларда яшовчи меҳнаткашларга қарата мурожаат э'лон қилган.

Француз мустамлакачилари ва америкали интервентлар, дейилади мурожаатда, бизнинг юртимизда саккиз йилдан бери агрессив уруш олиб бормоқдалар. Улар ўзларининг контроли остидаги районларда меҳнаткашларни шафқатсиз суратда эзиб ва эксплуатация қилиб келмоқдалар. Французлар оккупация қилган районлардаги меҳнаткашлар суткасига 12—14 соат ишлашга мажбурдирлар ва бунинг учун ниҳоятда кам ҳақ олмоқдалар. Айни бир вақтда империалистлар меҳнаткашларнинг ишҳақини кўп вақт қамайтирмоқдалар ва уларга катта солиқлар солмоқдалар. Оккупация қилинган районларда ишсизлик тобора ўсмоқда. Ҳинди-Хитой пластри девальвация қилинганидан кейин қимматчилик кескин суратда ошиб кетди, ишчиларнинг турмуши эса янада оғирлашди. Меҳнаткашлар энг элементар демократик ҳуқуқлардан, шу жумладан йиғилишлар ўтказиш ва ташкилотлар. Касаба союзлари а'золарининг кўплари душман томонидан ўлдирилган ёки тюрьмаларга қамаб қўйилган.

Ҳозирги вақтда америкали империалистлар Ҳинди-Хитойдаги урушга бевосита аралашдилар ва ўзлари олиб келаётган фойдаларни кўпайтириш мақсадида бу урушни кенгайтириш ниятидадирлар. Улар мумкин қадар кўпроқ моддий ресурсларни эгаллаб олиш ва баодайчилар армиясининг сонини кўпайтириш ҳамда шу блан меҳнаткашларнинг турмуш шароитини ёмонлаштириш ва урушни кескинлаштириш учун француз мустамлакачиларга ва уларнинг малайларига тобора кўпроқ таз'йиқ қилмоқдалар.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси, дейилади сўнгра мурожаатда, барча мамлакатлардаги меҳнаткашларни бу йил Биринчи Май кунини бирдамлик кунига ва меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун, мустақиллик, демократия ва тинчлик учун кураш кунига айлантиришга чақирди. Француз ва америка халқлари ҳамда бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқлар Вьетнамдаги, Кхмердаги ва Патет-Лаодаги агрессив урушнинг тўхатилиши учун актив кураш олиб бормоқдалар. Француз империалистлари ва америкали империалистлар Корея масаласини муҳокама қилиш ва Ҳинди-Хитойда тинчлик ўрнатиш масаласини муҳокама қилиш учун Жанва кенгашининг чақирилишига рози бўлишга мажбур бўлдилар.

Мурожаат душман томонидан оккупация қилинган районлардаги меҳнаткашларни ўз сафларини янада жипслаштиришга чақиради.

Англияда одамларни кўплаб қирадиган қуролларни тақиқлаш тарафдорларининг ҳаракати

ЛОНДОН, 26 апрель. (ТАСС). Кеча Лондонда Трафальгар-сквер майдонида «Тинчлик учун курашучи христианлар» ташкилотининг ташаббуси блан чақирилган митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари атом қуролининг ва одамларни кўплаб қирадиган бошқа қуролларнинг тақиқланишини талаб этдилар.

Митингда Кентерберий соборининг бошлиғи доктор Хьюлетт Жонсон нутқ сўзлади. Митинг қатнашчилари уни гулдурос қарсаклар блан кутиб олдилар. У бундан бирнеча ҳафта илгари Кентерберий соборида ўзи ўқиган ва водород ҳамда атом бомбаларининг тақиқланишини талаб этадиган ва'з—насиҳат ҳозирги вақтда 250 минг нусха босилганлиги ва тарқатилганлигини айтди.

Хьюлетт Жонсон Совет Иттифоқи тинчлик учун курашга ва одамларни кўплаб қириш қуролларини тақиқлаш йўлидаги ҳаракатга бошчилик қилаётганлигини уқтириб ўтди. У, Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик сиёсатини АҚШ даги ҳукмрон доираларнинг сиёсатига қарама-қарши қилиб қўйди.

Хьюлетт Жонсон ўзининг Совет Иттифоқига, халқ демократияси мамлакатларига ва Хитой Халқ Республикасига қилган сафари тўғрисида гапириб берди. У дедики, демократик лагерь мамлакатларидаги кишилар уруш тўғрисида эмас, балки тинчлик тўғрисида гапирмоқдалар ва бутун дун'ё халқлари ўртасида савдо-сотиқ ва дўстликни ёқлаб чиқмоқдалар, Совет Иттифоқи қуролланиш харажатларини тобора камайтирмоқда.

«Христианлар черкави, — деди Жонсон, —Англия ва Америка ҳукуматларидан буюк давлатларнинг кенгашини, я'ни одамларни кўплаб қирадиган қуролларнинг тақиқланишини та'минлайдиган кенгашини чақиришни ва бу кенгашда Хитойнинг ҳам қатнаштирилишини талаб этиши лозим».

Митингда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг а'зоси Жесси Стрит хоним ҳам сўзга чиқди.

Митинг қатнашчилари атом бомбасининг ишлатилишини қоралайдиган ва одамларни кўплаб қириш қуролларини тақиқлашга чақирган резолюцияни қабул қилдилар.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун кундузи Ўзбекистон областларида ҳаво ўзгариб туради. Ба'зи жойларда момақалдироқ бўлиб ёмғир ёғади. Температура 20—27 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво бироз булут бўлиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 21—23 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Талантли коллектив

Республика Маданият уйи ҳузуридаги драма тўгараги коллективи (раҳбари А. Юнусов) самарали ишламоқда. Тўгарак а'золари ўтган йили бўлиб ўтган республика бадиий ҳаваскорлар кўриги даврида А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» пьесасини саҳнага қўйган эдилар. Спектакль катта муваффақият қозонган ва кўрик комиссиясидан юқори баҳо олган эди. Тўгарак коллективи спектакль устидаги ижодий ишини давом эттирди ва бу йил ўндаги ба'зи камчиликларни тузатиб, янги, қизиқарли детальлар киритди, пьесадаги образларнинг янада чуқурроқ очилишига эришди.

Тўгарак а'золари турли касбдаги, қизиқишлари турлича кишилар бўлишига қарамай театр сан'ати ва ўзбек драматургиясига бўлган муҳаббат уларни бир ижодий коллективга бирлаштирган.

Ма'лумки, А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» пьесаси совет тамошабинларининг севимли асарларидан биридир. Бу пьеса Москва, Ленинград ва қардош республикалар ҳамда Ўзбекистондаги театрларнинг саҳналарида қўйилиб, катта муваффақият қозонди. Республика маданият уйи ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлар драма тўгарагининг ижодий коллективи бу ажойиб пьесани ўз репертуарига киритиб яхши иш қилган.

Драматург ўз асарида халқ юмори, мақоллари, фразеологик бириқмаларидан усталик блан фойдаланган, ҳарбир образни ҳаққоний ва ҳартарафлама очиб бериш устида қунт блан ишлаган. Пьеса ғўзал лиризм ва хушчақчақ комизм элементлари блан бойитилган. Унда социалистик воқи'лигимиз, янги ерларни ўзлаштиришга отланган шонли комсомолларнинг фидокорона меҳнати ёрқин ифодасини топган. Ёзучи инсоннинг фидокорона меҳнати натижасида табиат қиёфасининг ва коллектив та'сирида кишилар онгининг ўзгаришини усталик блан тасвирлаб беради.

Драма тўгараги коллективи ва режиссёри пьесадаги ана шу мазмун ва ғояни чуқур англаганлари ҳолда уни саҳнага қўйганлар ва спектакльнинг муваффақиятли бўлиб чиқишига эришаолганлар.

Спектаклда муваффақиятли чиққан соҳалар, образлар анчагина бор. Айниқса М. Исмоилов ижро этган Қўзиев образи яхши ва реалистик бўлиб чиққан. Унинг енги шимарилган гимнастёркаси, чаққон ва эпчил ҳаракатлари Қўзиев — Исмоиловнинг фронтдан қайтган совет солдати эканлигини яққол кўрсатиб туради. Исмоилов ўз қаҳрамони Қўзиевни меҳнат қуролини ҳам автоматидек моҳирлик блан эгаллаган ватанпарвар ўзбек йигити қилиб тасвирлайди. Қўзиев ҳазилкаш ва хушчақчақ йигит, ҳатто ўз севгилиси Санталатга муҳаббат изҳор қилаётган пайтда ҳам шўхлигини қўймайди. Тамошабин унинг ҳазил ва шўхликларини кўриб Қўзиевнинг чинакам хушчақчақ йигит эканлигига ишонади. Қўзиевнинг Деҳқонбой блан қилган суҳбати эпизодида бу икки собиқ фронтовикнинг қалин дўст бўлиб кетганликлари яхши очиб берилган. Ҳаваскор М. Исмоилов Қўзиев характеридаги энг муҳим хусусият — унинг ўз касбига бўлган чуқур муҳаббатини атрофлича очиб беришга интилган. Тамошабин Қўзиев — Исмоиловнинг ҳаракатларини кузатар, гапларини эшитар экан, комсомолларнинг ғайрати блан обод бўлиб бораётган Мирзачўлнинг ғўзал манзараларини, унинг сўлим боғларини, шинам уйларини кўради.

Лекин ўз муваффақиятидан руҳланган Исмоилов яна каттароқ муваффақият қозониш учун ўз ролининг жимжимадор бўлиб чиқишига ошиқча уринади. Натижада образ жиддийлигини йўқотади, бачканалашиб қолади. Исмоилов бу камчиликни тузатиши керак.

Тўқучи Ж. Зокирова ижро этган Санталат образи ҳам тамошабинларнинг диқкатини ўзига жалб этади. Қўзиевнинг энг яхши дўсти ва ҳаёт ўртоғи Санталат ҳаваскор Зокирова ижросида ҳаққоний ифодасини топган. Зокирова совет даврининг ўқуви қизи Санталатдаги олийжаноб хусусиятларни очишга эришаолган. Умумхалқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўючи Санталат меҳнатсевар, очиқ кўнгилли қиз; у, дўсти, турмуш ўртоғини унинг халқ ишига қанчалик фойда келтираолиши нуқтаи назаридан баҳолайди. Қўзиевда ана шу хусусиятлар бўлгани учун Санталат уни чин муҳаббат блан севади.

Ҳунар мактабининг ўқучиси Н. Латипов Омон ролини яхши бажарган. Пьеса қаҳрамони Омондаги кўпгина фазилатлар Латиповнинг ўзида бор. Бу ҳол спектакльдаги Омон образининг реалистик бўлиб чиқишини та'минлаган. Латипов Омондаги болаларга хос хусусиятларни усталик блан берабилган. Омоннинг ҳаракатлари жиддий, ҳали ёш болаcан, дейишса қизишиб кетади, у комсомол деган улуғ номи блан фахрланади. Латипов қизиқчилиги блан эмас, балки Омон характеридаги ўзига хос хусусиятларни ҳаққоний очиб бериш орқали тамошабинларни кулдиради.

Типография ходими ҳаваскор С. Аҳмедов ижросидаги Раҳимжонака образи ҳақиқатан ҳам жонкуяр, ғамхўр раис, катта коллектив хўжалигининг ишбилармон бошлиғи бўлиб чиққан. С. Аҳмедов ижро этган Раҳимжон образидаги комизм, халқ юмори каби хусусиятлари тамошабин диққатини ўзига жалб қилади.

Спектаклда икки кампир ролларининг ижрочилари М. Аҳмедова ва Х. Раҳимова ёш бўлишларига қарамасдан Ҳамробиби ва Холниса ролини яхши бажарганлар. Ёш ҳаваскорлар типик кампирларнинг ички дун'ёсини очиб бераолганлар.

Республика Маданият уйи драма тўгарагининг ҳаваскорлари бу ажойиб спектакльни шаҳардаги бирнеча муассасаларда, шунингдек, қишлоқ меҳнаткашларига ҳам муваффақиятли блан кўрсатмоқда.

Республика Маданият уйи ижодий коллективи «Шоҳи сўзана» спектаклини яратиш даврида бошқа ҳаваскорлик тўгараклари ўрганса арзийдиган бой тажриба тўплаган.

Х. КОЖЕВНИКОВ

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/IV да **Юрак сирлари.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/IV да **Доктор Айболит**, 29/IV да **Чио-Чио-Сан.**

«РОДИНА», «ВАТАН», СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, (кечқурун), «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ» (кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», кинотеатрларида — янги итальян бадиий фильми **Икки чақалик умид.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз рангли фильмлар: **1) Фан саройи, 2) Ака-ука Лю.**

НАВОИЙ номли кинотеатр — кундуз **Константин Заслонов.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Тоғлар орасидаги застава.**

«ИСКРА» (ёзги) — **Васса Железнова.**

КУНДУЗГИ КИНОТЕАТР («Ударник» паркида) — **Аршин мололон.**

**ТОШКЕ